

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ / № 178 (10.483) / 2005 ЙИЛ 8 СЕНТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТЛАР

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги "Гулшан" маданият уйида туман умумтаълим мактабларида таълим олувчи ота-она қарамогисиз қолган 103 нафар вояга етмаганларга ўқиш жараёнида қулайликлар яратиш мақсадида ўқув куроллари тарқатилди.

● **БЕКТЕМИР** туманидаги "Кўёшча нури" болалар боғида умумтаълим мактабларининг 2-синф ўқувчиларини "Камалак" болалар ташкилотига қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

● **"КАМОЛОТ"** ЁИХ Мирзо Улуғбек тумани бўлими "Маънавият ва маърифат" маркази туман бўлими ҳамкорлигида "Биз эркин ва фаровон ҳаёт қурмоқдамиз" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● **ЎТГАН** кун "Миришкор" маҳалласида Бектемир туман хотин-қизлар бўлими, "Маънавият ва маърифат" маркази туман бўлими ҳамкорлигида "Биз эркин ва фаровон ҳаёт қурмоқдамиз" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● **КЕЧА** Истикболимиз тимсоллари мавзусида "Бинокор" маҳалласида ўтказилган учрашувда маҳалла ёшлари ва танники спортчилар ўртасида мулоқот бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** кун "Камолот" ЁИХ Чилонзор туман кенгаши томонидан тумандаги барча умумтаълим мактаблари ўқувчиларига "Менинг альбомим", "Дарс жадвали", "Камолот" сайти номли плакатлар тарқатилди.

● **ҲАМЗА** туманидаги Усмон Носир маҳалласида "XXI аср ва ёшлар" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида бугунги кун ёшларини иш билан таъминлаш, уларнинг спортда эришадиган ютуқлари хусусида сўз борди.


● **ЎТГАН** кун "Мустақилликнинг 10 йиллиги" маҳалласида бўлиб ўтган тадбир "Она каби муқаддас Ватан" деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

"Компрессор заводи" акциядорлик жамиятида сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ички бозорда муносиб ўрин эгаллашга алоҳида эътибор берилмоқда.

СУРАТДА: цех бошлиги Тўлаган Бадалов ва бош муҳандис Александр Ваненский тайёрланган компрессорни синовдан ўтказмоқда.

Хақимжон Солиҳов олган сурат



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА УЧРАШУВ

7 сентябрь кун олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Ўзбекистон ҳукумати Андижон шаҳри ва вилоятида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан кўраётган чоратadbирлар мониторингини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А.Набиев билан учрашди.

А.Набиев ишчи гуруҳ аъзоларига Андижон воқеаларини текшириш ишларининг бориши, шу пайтгача аниқланган далиллар, воқеалар ташкилотчилари ва уларнинг халқаро террорчилик гуруҳлари билан алоқалари тўғрисида сўзлаб берди.

Ишчи гуруҳ аъзоларига судир этилган жиноятларда ўта фаол иштирок этган 15 нафар шахсга оид тергов материаллари яқин вақт ичида Олий судга топширилиши ва тергов давомида аниқланган барча далиллар миллий қонунчилик доирасида кўриб чиқишли маълум қилинди.

А.Набиев ўтказилган текширув давомида Андижон шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари Ўзбекистоннинг конституцийий тузумига қарши бузғунчи кучлар томонидан пухта режалаштирилгани ва ташкил этилгани аниқланганини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, ишчи гуруҳи

аъзолари эътиборига ҳам ташки, ҳам ички воқеалар ташкилотчиларининг тактикаси ва стратегияси, ноқонуний тузилмалар иштирокчиларининг сони, бошқа мамлакатлар билан алоқаси ҳамда жангарилар томонидан эгаллаб олинган ва чегарадош мамлакатлардан олиб ўтилган қурол-аслаҳалар сони тўғрисида батафсил ахборот ҳавола қилинди.

А.Набиев ишчи гуруҳи аъзоларига террорчилик хуружлари оқибатида ҳалок бўлган шахслар ва қўлга олинган жангарилар сони тўғрисида ҳам ахборот берди. Шу муносабат билан қатор хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари Ўзбекистонга қарши ахборот урушини бошлаб, тинч аҳоли орасида вазиятни кескинлаштириш, халқаро ҳамжамиятда гўёки, тинч намоийшчилар ўққа тутилгани ҳақидаги таассуротни шакллантириш мақсадида далилларни атайлаб бузиб

кўрсатгани таъкидланди.

Айни пайтда ушбу оммавий ахборот воситалари материалларида босқинчилар тўдасининг қурол-аслаҳаларни эгаллаши ва одамларни гаровга олиши, қамқонандан жиноятчиларни чиқариб юбориши, Андижон шаҳридаги маъмурий биноларга ҳужум қилиши билан боғлиқ жиноий хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги факт ва маълумотлар келтирилмаган.

А.Набиев барча тергов материаллари суд жараёни давомида ва у туганидан сўнг эълон қилинишини маълум қилди.

Шу билан бирга, учрашув иштирокчилари эътиборига Андижон воқеаларининг бевоқиф ташкилотчиларининг жинояткорона ниятларини очиб берувчи видео ҳамда бошқа кўргазмалар материаллар ҳавола этилди.

Хорижий дипломатлар берган саволларга ҳам батафсил жавоб қайтарилди.

(ЎЗА)

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда мазкур комиссиянинг 2005 йилги режаси асосида миллий радиочастоталар ресурсларидан самарали фойдаланиш ишлари тўғрисидаги ҳисобот тингланди. Шунингдек, Давлат алоқа инспекциясининг 2005 йил биринчи ярмидаги иш якунлари, телерадиодастурлар тарқатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти мониторингининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази томонидан тақдим этилган натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилиш иштирокчилари ҳукуматимизнинг оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш ва телерадио кўрсатувлар соҳасида радиочастоталар спектрдан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорлари ижроси билан боғлиқ масалаларни ҳам

муҳокама этди. Муҳокама чоғида бу борада ижро интизомини мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

Комиссиянинг ишчи гуруҳи аввал қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотни тақдим этди.

Телерадиодастурларни тарқатиш билан шуғулланадиган қатор хўжалик юритувчи субъектларнинг қўшимча каналлар очиш ҳамда эшитиришларнинг ҳудудий қўламини кенгайтириш ҳақидаги аризалари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

XXI ҲАҚР Садоқиси

Барча малбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИГА МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИДАН САМИЙИЙ КУТЛОВЛАР КЕЛИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

● Кеча Тошкентда Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган товарларнинг иккинчи савдо кўргазмаси иш бошлади. Кўргазмада Ҳиндистоннинг 40 га яқин халқаро компаниясидан 80 дан ортиқ тадбиркорлар турли соҳаларга тегишли маҳсулотлари билан қатнашмоқдалар.

● Миллий матбуот марказида "Алоҳида муҳофаза этиладиган табийи ҳудудлар – бугун соғ-саломатлигимиз манбаи, эртага эса авлодларимиз миннатдорчилигидир" мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

● Андижон вилоятининг Пахтаобод тумани пахтакорлари ўтган кундан бошлаб хирмонларга дастлабки тонна пахта ҳосилини топшира бошладилар.

● "Шўрчидонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятида иккита янги цех ишга туширилди. Жумладан, замонавий материаллардан қоп тайёрлашга ихтисослашган цех бир кунда 10-15 минг, йилга эса 6 миллионтагача қоп чиқариш қувватига эга бўлса, иккинчи цехда бир соатда 10 тонна уруғлик бугдой тайёрлаш мумкин.

● Фаллаборол туманидаги "Тоза уруғ" кишлоғида икки қаватли замонавий мактаб биноси қад ростлади. Эски мактаб ўрнида қурилган 290 ўринли мазкур билим маскани "Олимпиада" хусусий курилиш корхонаси томонидан бунёд этилди.

● Россия Президенти Владимир Путин учинчи бор президентликка сайланиш учун мамлакат конституциясига ўзгаришлар киритилмаслигини маълум қилди.

● Литва бош прокурори Гинтарас Ясайтис банкнинг 333 миллион рублини ўзлаштирилганликда ва талон-тарож қилганликда, қочиб кетганликда айбланаётган "МЕНАТЕП Санкт-Петербург" банкининг Ставрополь филиали бошқарувчиси Игорь Бабенко Россия ҳуқуқтартибот органларига топшириш тўғрисида қарор қабул қилди.

● БМТ фаолиятини текшириш билан шуғулланаётган мустақил комиссия ҳисоботида бундан бўён БМТда "Нефть вазисига озик-овқат" дастури борасида чиққан жанжал каби тушунмовчиликлар тақрорланмаслиги учун ташкилот доирасида жиддий ислохотларни амалга ошириш лозимлиги таъкидланади.

Хориж матбуот саҳифаларида чоп этилган маълумотларда оид мақолаларнинг аксариятида Ўзбекистон мустақиллик йилларида ўз тараққиёт моделини ҳаётга изчил татбиқ этиб, халқро аҳамиятнинг нуфузли ёъзосига айлангани, давлат суверенитетини мустаҳкамлаш ва кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда салмоқли ютуқларга эришгани кенг эътироф этилган.

Чунки, мамлакатимиз мустақиллиги куни арафасида Корея Республикасининг етакчи матбуот наشريдан бири — «The Korea Post» журналида «Ўзбекистон очик эшиклар сиёсати боис ишончли савдо-иқтисодий шерик мавқеига эга бўлди» номли умумий сарлавҳа остида кўпсаҳифали шарҳ эълон қилинди. Мақолалар туркумида мамлакатимизнинг юксалиб бораётган халқаро нуфузи, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашга қаратилган изчил ташқи сиёсати ҳамда истиқлол йилларида эришган иқтисодий муваффақиятлари яққол акс этган.

Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг ўзбек давлатчилигига асос солишда, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдаги ролига юксак баҳо берар экан, журнал шундай эътироф этади: «Ислам Каримов фақат галаба учунгина ғолиб бўлишга интилмайдди. Кам аҳамиятли ва иккинчи даражали масалаларда у мурося қилишга қодир, аммо муҳим ва долзарб муаммоларга келганда Президент, ўз мустақкам иродаси ва мантйик тафаккури туфайли, муросясиз ва катъиятли бўлишга тайёр. Ўзбекистон Президентининг ўзига ишонч унинг стратегик фикрлаш, давр талабини чуқур англаш ҳамда муаммоларни атрофлича ва синчиклаб ўрганиш қоби-

лиятига асосланган. Буларнинг барчаси навқирон давлат қиёфасини тубдан ўзгартиришга асос бўлди, жамиятини иқтисодий ва сиёсий демократиялаштириш жараёнига жадал туртки берди».

«The Korea Post» журналининг таъкидлашича, иқтисодий тараққиётнинг ўзбек моделини муваффақиятли амалга ошириш Ўзбекистонга қисқа давр ичида салмоқли натижаларни қўлга киритиш ва эркин бозор муносабатларига силсилаларсиз ўтишга имконият яратди. Бу аса ўз навбатида иқтисодий кўсаткичларда яққол намоён

йўлдан оғишмайди» сарлавҳали мақолада муштарийлар эътиборини Ўзбекистоннинг юксалиб бораётган геосиёсий роли, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга йўналтирилган саяё-ҳаракатларига жалб этади. Газетанинг фикрича, бу Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасида илгари сурган қатор ташаббусларида яққол ифодасини топмоқда. ШХТнинг минтақавий аксилтерор тузилмаси ижроия кўмитаси ва бошқа муҳим механизмлари айнан Ўзбекистоннинг

таъкидланишича, 2004 йилда Ўзбекистон билан ЕИ мамлакатлари ўртасида махсулот айирбошлаш ҳажми 1,063 миллиард еврони ташкил этгани иқтисодий ҳамкорликнинг катта истиқболдан далолат беради.

Шунингдек, Россиянинг «Комсомольская правда» газетаси муштарийлар эътиборини мамлакатимизнинг ўсиб бораётган геосиёсий мавқеига қаратади. Мақола муаллифи, таникли сиёсатшунос Виталий Третьяковнинг фикрига кўра, Ўзбекистон омили сўнги пайтларда собик Иттифоқ маконидаги давлатларо муносабатлар тизимида энг олдинги ўринлардан бирига жадал чиқиб бормоқда:

«Ўзбекистон — том маънода Марказий Осиё минтақасининг муҳим давлатларидан бири, қолверса, энг етакчи мамлакатидир. У худуди жиҳатдан энг катта мамлакатлардан бири бўлиб, аҳолиси сони бўйича энг йирик ва табиий заҳираларга бойдир. Жадал сўрватларда ривожланаётган Ўзбекистон иқтисоди Россия иқтисодини яхши тўлдирди. Узининг бой давлатчилик тарихига эга Ўзбекистон ҳаҳон ҳамжамияти, қўшни давлатлар ва Россия кўз ўнгида афсонавий тарих эгаллиги эвазига муносив ўрин яратлашга муҳтож эмас. Бу мамлакат миллий ёки давлатчилик нуқсонидан холи бўлган ҳаҳон ва авваламбор, минтақавий сиёсатининг тўлақонли субъектидир. Ўзбекистонни муваффақиятсизликка учраган давлатлар сафига қўшиш мумкин эмас. Бу сўнги омили Ўзбекистонни собик Иттифоқ маконидаги бошқа мамлакатлардан алоҳида ажратиб туради».

Мардон ЕКЎБОВ
«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖ МАТБУОТИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллик айёми кенг нишонланиши муносабати билан мамлакатимиз чет эл оммавий ахборот воситалари нигоҳини яна бир бор ўзига жалб этди.

бўлмоқда: «2004 йилда мамлакат ялли ички махсулот ҳажми мустақиллик йиллари учун рекорд бўлган 7,7 фоизга ўсди. Республика ташқи товар айирбошлаш ҳажми 29,6 фоизга, экспорт 30,3 фоизга ҳамда импорт 28,7 фоизга ортди».

Журнал эътирофига кўра, ўтган йили мамлакатда 425 минг янги ишчи ўринларининг яратилгани ва кичик бизнес корхоналарининг сони 14 фоизга ортгани Ўзбекистон танлаган йўлнинг тўричилиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муқаррарлигидан далолат берувчи яна бир муҳим кўрсаткичдир.

Япониянинг «The Japan Times» газетаси Ўзбекистон танланган

ушбу ташкилотдаги раислиги даврида таъсис этилгани бежиз эмас, деб хулоса қилади газета.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан Бельгияда чоп этилувчи «New Europe» хафтаномаси «Ўзбекистон: танланган йўлдан собитқамда» сарлавҳаси остида мақола эълон қилди. Унда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, жамиятни демократиялаштириш ва эркинлаштириш борасидаги ислохотлар ҳамда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида муваффақиятли ривожланаётган муносабатлар баён этилган. Хусусан, мақолада



Мустақиллик шарофати билан яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланаётган тadbirkор аёл Шарифа Мамажонова Яқсарой туманида «Даврон Аҳмад ўғли» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси фаолиятини йўлга қўйди. Тадбиркорнинг кўп йиллик орзуси амалга ошиб, 2001 йилдан мазкур фирма жамоаси махсус иш кийимлари тикиш соҳасида самарали фаолият юритмоқда.

— Либос инсон эгнига хусн бўлиш билан бирга, — дейди Шарифа Мамажонова, — асосийси, у қулай, табиий, экологик тоза матодан тикилган, нисбатан арзон бўлса мақсадга мувофиқ. Омилкор тadbirkор миқозларининг сафи ортиши учун муомала маданияти, унга ҳурмат, сифатли ва ўз мuddатларида бажарилган буюртма асос бўлишини яхши тушунади, буларни мен ўз тажрибамда узок йиллардан буён синаб келмоқдаман. Мустақиллигимизнинг ilk йилларидаёқ республикамиз раҳбарияти иқтисодиётимизни ривожига алоҳида эътибор қаратди. Унинг асосини ташкил этувчи кичик бизнес ҳамда хусусий тadbirkорликни қўллаб-қувватлашга, тadbirkорлар сафи ортишига кенг имкониятлар яратилди. Ҳозирда тadbirkор фаолиятига ноқонуний аралашиларни чеклаш, улар олдидаги ортықча фов ҳамда тўсиқларни олиб ташлаш, янги-дан иш бошлаган тadbirkорларга ҳар то-

монлама ғамхўрлик яратилаётганини алоҳида эътироф этмоқчиман.

Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш жараёни мураккаб ҳисобланади, корхонани бошқариш машаққати унданда оғир. Тошкент Тўқимачилик ва энгил саноат институтининг битирувчиси Шарифа опа ўз соҳасида давлат корхонасида ишлаб, касбининг сир-асрорларини эринмай, миридан-сиригача эгаллашга эришди. Замон билан ҳамнафас, ҳамқадм тadbirkор янгиликка ўчлиги, ташаббускорлиги боис ҳам миқозларининг кўнглига йўл топишга эришди.

Бунинг учун эса у хусусий фирма цехига юксак самарали, унумли тикиш-бичиш машиналари, дастгоҳ ва ускуналарни ўрнатди ҳамда ишчи-хизматчиларни касб-маҳорати,

нишлари, саяё-ҳаракатлари туфайли олий ўқув юрти магистрантлари учун бош кийим билан бирга костюм, объектларни қўриқловчи ходимлар учун махсус кийим тикиш йўлга қўйилди.

Буюртмалар ранг-баранг бўлиб, миқозларнинг хоҳиш-истагига қараб элита усулидаги пардалардан тортиб, дастурхон, сalfетка, ўрин-кўрпаларга гилофлардан ҳам иборатлиги корхона жамоасининг бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиқиб ишни ташкил этаётганларидан яққол далолатдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидига муассасалар, Республика санитария-эпидемиология назорати, «Узнефгазмахсулотлари» холдинг компанияси, Бухоронетўқи қайта ишлаш корхонаси, «Ноназиз», «Чинозтўқимачи» масъулияти чекланган жамиятлари корхонанинг доимий буюртмачилари ҳисобланади.

Серғайрат, шижоатли тadbirkор раҳбар корхона ривожига алоҳида эътибор қаратгани ҳолда янги, замонавий машина-ускуналар харид қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бунинг учун эса маблағ фирма даромадидан олинади. Соҳадаги рақобат кучли эканлиги ҳисобга олингани ҳолда ички бозор доимий, чуқур ўрганилади.

Айни кунларда хусусий фирма тadbirkорлари янги лойиҳалар устида қизгин иш олиб бормоқдалар.

«Харакатда — баракат» деб доно халқимиз бежиз айтмайди. Зеро, узокни кўзлаган ҳолда аниқ режалар асосида тadbirkорлик билан иш юритаётган жамоа ахли ўзининг тўри йўлини топиб олганига фақат фирма ишчи-хизматчиларига манфаатдор бўлиб қолмай, ички бозоримиз кўркам, сифатли, рақобатбардош махсулотлар билан тўлишига замин яратилади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: (юқорида) «Даврон Аҳмад ўғли» хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг серғайрат, тadbirkор раҳбар Шарифа Мамажонова (чапдан ўннга) тажрибали цех бошлиги Тамара Маҳмудова ҳамда моҳир тикувчи Муҳаббат Рискневалар билан янги буюртмани кўздан кечирмоқда; касбига меҳр қўйган қўли гул тикувчи Маъмура Одилбекова ёшларга доимо ўрнак.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурастар.

Интилганга — толе ёр

ПУХТА РЕЖАЛАР АСОСИДА

Инсоннинг умр йўлида қалбини чароғон қиладиган эзгу орзу-ниятлари бўлади, уларнинг амалга ошиши, рўёби сизни янада руҳлантириши аниқ. Кечаси-ю кундузи ҳаёлингизни банд қилган ойдин орзуларингизга изланиш, интилиш, машаққатли меҳнат эвазига эришасиз-да, қалбингиздаги ноёб ёғду умр йўлингизни янада нурафшон этади.

қизиқишига қараб ишга қабул қилди. Бугунги кунда жами 22 нафар малакали, меҳрию маҳоратини сарфлаётган ишчи-хизматчилар меҳнати самараси ўлароқ хусусий корхонанинг буюртмачилари сафи кенгайиб бормоқда. Бунга яна бир сабаб, барча буюртмалар учун хом ашё — маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ил-газлама матоларидан кенг фойдаланилади. Мазкур фирма жамоаси асосан соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат, нефть-газ саноати, ишлаб чиқариш, маиший хизмат ходимлари учун бежирим, қулай, сифатли махсус иш кийимлари тикишда, улар мавсумий кийимлар бўлиб, иклимининг об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда матолар танланади.

Утган йили моҳир дизайнчиларнинг изла-



Сағғай ТЕАТРЛАР ЯНГИ МАВСУМНИ БОШЛАДИ

Театр ҳаёт мўқдуси. Ушбу санъат касганида одамлар нафақат маданий ҳордиқ чиқарадилар, балки спектакль жараёнида актёрлар маҳоратининг жонли гувоҳи бўлади. Роль ижрочиларининг иқтидори ва истеъдодини ўз кўзлари билан кўрадилар. Чунки, спектаклдаги воқеалар экранда эмас сахна юзиде очикдан очик акс эттирилади.

Бугунги кунда пойтахтимиздаги барча театрлар ёзги таътилдан сўнг янги мавсумни бошлаб юбордилар. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театри ҳам 76-мавсумини «Хумо» балети билан очиб берди.

— Театримизнинг янги мавсумини руҳий тетиклик, бардамлик, кўтаринки кайфият билан кутиб олдик, — дейди Давлат академик Катта театри директори Бахтиёр Ёқубов. — Актёрларимиз, режиссёр, бастакорларимиз — жами жамоамизнинг истаги ҳам, мақсади ҳам битта, у ҳам бўлса инсонларга маънавий озиқ, маданий ҳордиқ ва яхши кайфият улашадан иборатдир. Келгусидаги режаларимиз ҳам бисёр. 8-18 октябрда жамоамизнинг балет ғаруҳи Японияга, 13 октябрда Германияга ва нихоят октябр ойининг ўрталарида Россия шаҳарларига гастроль сафарларига бориб ўз санъатларини намойиш этадилар.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида биргина сентябрь ойининг ўзиде «Хумо», «Евгений Онегин», «Фауст», «Тумарис», «Ромео ва Жульетта», «Аида», «Юланта», «Али бобо ва 40 қароқчи», «Майсаранинги иши», «Спартак», «Севги шароби» каби 24 та сахна асари томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак. 13 сентябрь куни театрда «Офарин» замонавий рақс дастасининг навбатдаги концерт дастури намойиш қилинади.

Шу каби пойтахтимиздаги барча театрлар, жумладан Ўзбек Миллий академик драма театри «Адибнинг умри» (Усмон Азим асари) спектакли билан, Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикий театри Хурдид Даврон асари «Бобур соғинчи» спектакли билан ўз мавсумини бошлади. Театрларимиз жамоалари, жонқур актёрларига янги мавсумда янгидан янги қизиқарли сахна асарлари билан муҳлисларни хушдуд этинг, дея ният билдириб қоламиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА



Агар эсингизда бўлса Юртбошимиз кириб келаётган 2003 йилни "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиш хусусидаги таклифини ўртага ташлаб ҳар қайси инсон, ҳар бир хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда аҳилликни мустаҳкамлашда ўзини-ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли кундан кунга ошиб бораётганини таъкидлаб шундай деган эди: "Авалло, шуни айтиш керакки, "обод" деган сўз, "обод маҳалла" деган ибора замирида теран маъно бор. Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга айнан тинчлик ва осийшталлик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, кут-барака ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қилади."

Маҳалла — ота-онани

МЕҲР-ОҚИБАТ БОР БЎЛГАН ЖОЙДА

Бу сўзлардан маҳалланинг ҳаётимиздаги юксак макъби, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкамлиги, бу тизимнинг жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми, қўйи бошқариш тизими сифатида нечоғлик кучли эканини кўришиб турибди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, биз сўз юритаётган маҳалла бошқариш учун ҳақиқий жонқуяр, фидойи, билимдон, бугунги кун билан ҳамон ҳам қадим ташлайдиган, маҳаллани том маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага кўтар оладиган оқсоқоллар лозим бўлади. Айни шу талабга жавоб берадиган оқсоқолларгина маҳаллани бугунги кун даражасида бошқара олади. Шўқри, шарҳимиз маҳаллаларида бундай оқсоқоллар жуда кўп. Уларнинг жонқуярлиги, ташаббускорлиги, ғайрат ва шижоати, ўрнаги, маҳаллий аҳолининг ҳамжихатчилигига эришуви билан маҳалларимиз йил сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Янгидан-янги маҳалла гузарлари, муҳташам саройлар, тўйхоналар бунёд этилмоқда. Шундай обод ва файзли маҳаллалар жумласига Учтепа туманидаги "Кўркам обод" маҳалласини ҳам киритиш мумкин.

Исми жисмига монанд бу маҳаллада сўнгги йилларда тилга олса арзигулик бир қатор ибратли ишлар қилиндики, улар ҳақида бироз тўхталсак мақсадга мувофиқ бўлади. Кўркимиз маҳалла гузарини замон талабига жавоб берадиган қолган эди. Фаолларнинг навбатдаги йилгилишида шу масала алоҳида кўриб чиқилди. Ҳамма бир овоздан "Маҳалла учун янги гузар қуриш лозим" деган таклифни киритди. Лекин қуруқ гап билан иш битмасди албатта. Бунинг учун маблағ, маблағ бўлганда ҳам аналик муңча керак эди. Нима

қилиш мумкин? Ҳомий ташкилотни қайдан топиш керак? Шундай савол ўртага ташланганда ўтирганлар ғимирлаб қолишди. Мунозара қизиди. Ниҳоят шундай ҳомийлар маҳалланинг ўзидан топилиб қолди. Кимдир моддий ёрдам берадиган, биров қурилишда фаол қатнашадиган бўлди. Айниқса бу борда ҳеч кимни камситмаган ҳолда Убайдулла Файзуллаев, ота-ини Анваржон ва Аҳмаджонлар, Носиржон Турғунювнинг номларини алоҳида зикр этиш мумкин.

Барча ишларга маҳалла фаоли Абдуқоҳор Мавлонов бошчилик қилишни ўз зиммасига олди. Албатта бу хайрли ишлардан туман ҳокими Қобил Накибоев, 12-қурилиш бошқармаси раҳбари, шаҳар Кенгашининг депутати Ботир Зокировлар ўз ёрдамларини аямалдилар. Кўп ўтмай аҳиллик, ҳамжиҳатлик, дўстона вазиятга бошланган иш ўз самарасини кўрсатди. Кунлар ўтиб маҳалланинг янги гузарини қад кўтарди. Лекин ҳали олинди қилинадиган ишлар кўп эди. Чойхона, ошхона, сартарошхона ва маданий-маиший бинолар ҳам эскириб таъмирга муҳтож бўлиб қолганди. Оқсоқол Саидкарим Сотволдиев шулар ҳақида ўйларди. Сабаби янги гузар хусусига бу эски бинолар чипта ямоқ бўлиб қолганди. Уларни янгиласдан туриб, гузарнинг бир бутун яхлитлигини тасаввур этиб бўлмасди.

Ташаббусни яна Абдуқоҳор ака ўз зиммасига олди. Шу инсоннинг саъй-ҳаракати билан яна қурилиш, таъмир ишлари юришиб кетди. Эски биноларга "жон" кирди. Улар янгитдан хусн очди. Қадриятларимизни ифодаловчи бинолар таъмири анча кўп тугди. Уларни янгилаш учун алоҳида усталар, бу ишининг билимдонлари жалб этилди. Абду-

қоҳор аканинг дурадгорлиги ас қотди. Унинг ота касбини эгаллаган фарсандлари бу хайрли ишдан четда қолишмади. Уймақорликми, ишқилиб ёғочга шакл бериш ишларида фаол қатнашдилар. Бугун тубдан янгиланган маҳаллада нуруний оталар учун олдинги 200 ўринли эски бино ўрнида 700 кишига мўлжалланган янги бино хизмат кўрсатмоқда.

Қиш фаслида маҳалланинг баъзи кўчаларида жойлашган хонадонларда газ оқими пасайиб қоларди. Бу масала шаҳар Кенгашининг депутати Ботир Зокиров эътиборига етказилди. У аҳоли талабини ҳисобга олиб, маҳалла учун янги газ тақсимлагич қурилмасини бунёд этишга ёрдам берди. Шу билан барча оилалар қишин-ёзин табиий газ билан тўлиқ таъминланадиган бўлди. Айни кунларда туман ҳокимияти ёрдами билан сув насоси қурилиши давом этмоқда. Бу қурилма ишга тушиши билан нафақат "Кўркам обод", балки, тумандаги яна ўн та маҳалла ёз ойларининг баъзи кунларида рўй берадиган ичимлик суви тақчиллигидан ҳам қутулади.

— Ҳали режадаги ишларимиз кўп, — дейди бизга маҳалла оқсоқоли Саидкарим Сотволдиев. — Турт мингга яқин аҳоли яшайдиган маҳалламизда катта-кичик 14 та кўча бор. Шу йили энг катта кўчалардан Тақачи, Нашир-э, шунингдек Боту кўчалари анча тартибга келтирилди, улар таъмирланиб, асфальтланди. Навбатда қолган кўчаларни таъмирлаш ишлари турибди.

Бугунги кунда маҳалла аҳли болалар спорт майдончасини бунёд этиш ҳақида жиддий бош қотирмоқда. Майдонча учун жой ажратилган. Фақат қурилиши бошлаш қолган ҳолос. Ёшларнинг энг сеvimли ўйингоҳи бўлган бу майдонни ҳам маҳалладошлар асосан хашар йўли билан қуришни мўлжаллаб туришибди.

Шундоқкина Халқа йўли бўйида қад кўтарган Исроил ота тўйхонаси маҳалланинг хуснига хусн қўшди. Маҳалланинг барча тадбирлари, тўй-туркум, маъракалар шу ерда ўтайдиган бўлди.

Мустақиллик тантаналари кунларида маҳалла аҳли тўкин дастурхон атрофида тўпланишиб, янги гузар қурилиши ва умуман ободчилик йўлида қилинган ишларни сарҳисоб қилишди. Ана шу файзли тонгда қатнашми бизга ҳам nasib этди. Бир пайла чой устида маҳалладошлар билан қизғин суҳбатда бўлди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ
СУРАТЛАРДА: маҳаллада ўтган тантанадан лавҳалар акс эттирилган.

дотациялар бериш бўйича банк гуруҳи ҳисобланади, — деди элчи-хонанинг иқтисодий бўлими бошлиғи Х. Мухаммад.

— KfW банк гуруҳи бевосита давлат органлари билан ишлайдиган "Тараққиёт банки" ҳамда хусусий сектор билан ҳамкорлик учун жавоб берадиган Германиянинг DIG ривожланиш хизматини ўз ичига олади. Ўзбекистонда KfW томонидан амалга оширилган лойиҳалар орасида "Тошкент" аэропортини модернизация қилишга оид лойиҳани тилга олиш жоиз. Бу иш учун эллик миллион евро ажратилган эди. Шунингдек, силга қарши кураш ҳамда профессионал таълим ривожига ёрдам бериш бўйича лойиҳаларнинг ҳар бирига ўн миллион евро йўналтирилган. KfW томонидан Ўзбекистон темир йўл тармоқларини модернизациялаш учун йигирма беш миллион евро ҳамда янги лойиҳа ҳам диққатга молик, — деб сўзини якунида Х. Мухаммад.

«Туркистон-пресс»

Маълим

ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА ВОСИТАСИДА

Бугунги кунда электрон техникаси воситалари ёрдамида кўплаб юмушлар амалга оширилмоқда, электрон тижорат ишлари ҳам кенг йўлга қўйилмоқда.

Шу йўналишда фаолият кўрсатадиган мутахассис кадрлар тайёрлашга эътибор кучайди. Тошкент Ахборот технологиялари университетида махсус электрон тижорат кафедрасининг ташкил этилиши ҳам айни муддао бўлди. Тижорат ишлари замонавий электрон қурилмалар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Олий ўқув юрти яна бир янги кафедрани очиш тарафдорини кўрди. «Ахборот хавфсизлиги» деб номланган мазкур кафедра шу янги ўқув йилида ўз фаолиятини бошлади.

МУСТАҲКАМ ЎҚУВ МАРКАЗИ

«Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти йирик ишлаб чиқариш корхонаси бўлиши билан бирга ёшларнинг амалий кўникма ҳосил қиладиган ўқув марказига ҳам айлиниб қолди. Унинг цех ва участкаларида ташкил этилган синфхоналарда Мирзо Улугбек туманидаги қатор билим ўқоклари ўқувчилари ўз ишлаб чиқариш малакаларини ҳосил қилаётдилар.

Тумандаги саноат йўналишидаги касб-ҳунар коллежи ёшлари эса бу ерда электрпайвандчилик ва авточилангарлик хунарларини ўрганишмоқда. Ана шу ортирилган тажрибавал асосида «Пайвандлаш иши ўқув амалиёти» деб номланган таълимий модел ҳам юзага келди.

АЛОҚАЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Россия Федерациясидаги қатор олий ўқув юрталари республикамиздаги турдош университетлар билан яқин илмий алоқа боғлаган. Москва алоқа ва информатика техника университети билан ҳамкорлик ҳам яхши самаралар бера бошлади.

Тошкент Ахборот технологиялари университети ҳамда бу нуфузли олий ўқув юрти ҳамкорлигида амалга оширилаётган илмий жараёнлар коммуникацион технологиялар йўналишида қатор муаммоларни ижобий ҳал этиш имконини берди.

Олий ўқув юрти Россиядаги Санкт-Петербург давлат телекоммуникация университети билан ҳам алоқани йўлга қўйди. Эндликда ҳар икки олий ўқув юрталари ўртасида юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини айриб-қилишга киришилди.

Ақбар АЛИЕВ

ГЕРМАНИЯ — ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ

Германия Федератив Республикасининг пойтахтимидаги элчионасида Ўзбекистон ҳамда ГФР ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларига бағишланган рисоланинг тақдимот маросими ўтказилди.

Мазкур маросимда сўзга чиққан Германиянинг мамлакатимиздаги Факултетада ва мухтор элчиси Ханс-Йоахим Кидерлен рисолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган йигирма битта лойиҳа ва уни ҳаётга тадбиқ этаётган ташкилотлар ҳақидаги ахборот тўпланганлигини таъкидлади.

— Германиянинг давлат тизимидаги ва нодавлат ташкилотлари Ўзбекистоннинг техникавий ва иқтисодий йўналишидаги, таълим тизими ва ўқитиш ҳамда маданий соҳалар бўйича ҳуқуқат идоралари ва бошқа ҳамкорлари билан фаолият олиб бормоқда, — деди элчи. — Ривожланиш сиёсатида Германия ҳуқуқати томонидан сарфланган маблағ 1992 йилдан

бўён 240 миллион евро ни ташкил этади.

Германия — Ўзбекистон ҳамкорлиги қирралари хусусида сўзларкан, элчи ушбу муносабатларнинг урта асосий жиҳатига алоҳида тўхталиб ўтди. — Биринчиликдан — самарали бу ҳамкорлик 14 йилдан бери давом этиб келмоқда, иккинчидан — ҳар икки томондан мазкур алоқаларга кўп сонли кишилар жалб этилгани бўлса, учинчи жиҳати — биз ҳақли равишда фахрланадиган раҳамлардир, — деди Ханс-Йоахим Кидерлен.

— Германиянинг иқтисодий ҳамкорлигида нафақат Ўзбекистон, балки, умуман Марказий Осиё мўҳим ўрин тутди, — деди сўзининг давомида элчи. — Ўзбе-

кистон ҳуқуқати, шунингдек, республикадаги нодавлат ташкилотларга биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр экани учун ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Ривожланиш ишига ёрдам йўналишидаги ишмизнинг муваффақият қозонишида шерикларимизнинг турли соҳа вакиллари бўлиши биз учун муҳим, албатта. Ўзбекистон ҳамда Германия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлигимиз сўнгги йилларда барқарор тус олди.

Тақдимот маросимида Германиянинг Ўзбекистонда самарали иш олиб бораётган ўн бир ташкилот ва жағмарга вакиллари иштирок этишди.

— KfW Германиянинг қарз ва

Давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, улар фаолиятига ортиқча аралашувларга чек қўйиш мақсадида қабул қилинган Фармон ва Қарорлар кичик бизнесга муҳим эътибор қаратаётганини ифодасидир.

Аммо айрим ҳўжалик йирутвчи субъектлар раҳбарлари бу яратилган имкониятлардан факат ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринмоқдалар. Сергели туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютаси оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходимлари томонидан текзор олинган маълумот асосида туман давлат солиқ идорасидан рўйхатдан ўтган «АНЖЕЛИКА САВДО» масъулияти чекланган жамиятида ўтказилган текширувда, жамият раҳбари Анжелика Бурхонова томонидан туман давлат солиқ инспекциясига 2004 йилнинг сентябрь-ноябрь ойлари бўйича топширилган молиявий ва солиқ ҳисоботларида махсуслот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум миқдори 14 миллион 200 миң сўм деб кўрсатилган, лекин банк ҳисоб рақамидаги пул айланма маблағлари кўрсаткичи 245 миллион 854 миң сўми ташкил этган.

Солиқ идораларига топширилган молиявий ва солиқ ҳисоботлари билан банк пул айланма маблағлари ўртасидаги фарқ 231 миллион 654 миң сўми ташкил қилган.

«АНЖЕЛИКА САВДО» МЧЖ раҳбари А.Бурхонова томонидан 6372,4 миң сўм миқдоридаги солиқ ва мажбурий тўловлар қасддан тўланмасдан шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юборилган.

Мазкур ҳолат юзасидан Сергели тумани жиноят иши бўйича суднинг ҳўкмига кўра қорхона раҳбари А.Бурхонова Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси, 3-қисми, 189-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилиб, ундан давлат фойдасига 5 330 943 сўм миқдорда зарарни ундириш чораси белгиланиб, 1 йилга синов муддати билан озодликдан маҳрум қилинган.

Фўқаро С.Арибжанова «КРАССИ МАХС» масъулияти чекланган жамиятида раҳбар бўлиб ишлаб келган. Қорхона томонидан Сергели тумани ДСИга 2005 йилнинг январь ойи бўйича топширилган молиявий солиқ ҳисоботларида махсуслот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум миқдори 1 миллион 274 миң сўм деб кўрсатилган, аммо банкдаги ҳисоб рақамидан пул айланма маблағлари кўрсаткичи 207 миллион 19 миң сўми ташкил этганини аниқланган. Яъни ДСИга топширилган молиявий солиқ ҳисоботлари билан банкдаги пул айлан-

ма маблағлари орасидаги фарқ 205 миллион 744 миң сўми ташкил қилганлиги, қорхона раҳбари С.Арибжанова томонидан 2005 йил-

стон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли қарорига зид равишда банкка инкассация қилинмаганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолатда «КРАССИ МАХС» МЧЖ раҳбари С.Арибжанова жуда кўп миқдорда, яъни 27876,2 миң сўм миқдорда солиқ ва бошқа тўловларни қасддан тўланмасдан ҳамда 15000,0 миң сўм миқдордаги нақд пул маблағларини банк муассасасига инкассация қилмаганлиги оқибатидаги ҳаракати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 3-қисми билан унга нисбатан жиноят иши кўзга тилинган.

Мазкур жиноят иши юзасидан Сергели тумани жиноят иши бўйича суднинг 2005 йил 7 июлдаги ҳўкмига кўра қорхона раҳбари С.Арибжанова айбдор деб топилиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб давлат фойдасига 15000,0 сўм миқдорда зарарни ундириш чораси белгиланиб 3 йилга синов муддати билан озодликдан маҳрум қилинган.

Хўқўбузарликлар таҳлил қилинганда, уларнинг аксарият қисми юридик шахслар томонидан содир этилиб, уларнинг солиқ қончилигига лоқайдлик билан қарашлари оқибатида юз бермоқда. Шунингдек, нақд пул маблағларини банкка топширмасликни одат қилиб олганлар давлат хазинасига эмас, балки ўз «чўптак»ларини тўлдирини ўйлайдиган қимсалардир. Шунинг учун ҳам белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб, ноконуний даромад орттиришга ҳаракат қиладилар.

Бирок, касални даволашдан кўра унинг олдини олиш осон, дейишади. Айтмоқчимизки, ана шундай турдаги қонунбузарликлар рўй беришининг олдини олиш учун бўлим ва солиқ идоралари билан ҳамкорликда пул тушуми юзасидан тадбиркорлар, маҳалла фаоллари ўртасида доимий учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Нақд пул тушумининг юртимиз иқтисодиётидаги ўрни ҳақида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб боришмоқда.

Шу ўринда айтиш мумкинки, иш ҳақи, нафақалар ва маошларнинг ўз вақтида тўланиши қорхона, ташкилот ва тадбиркорлар томонидан нақд пул тушумларини банк муассасаларига топшириш билан боғлиқлигини юртушларимиз ўз вақтида англаб етмоқлари зарур.

Суннатилла АБДУМАЛИКОВ, Сергели туман прокуратураси Солиқ ва валютаси оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи

Солиқ

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҲИМОЯЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Бугун мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларнинг фаолиятини ривожлантириш борасида қабул қилинаётган ҳар бир қоний ҳужжатлар бу соҳанинг янада кенг тараққий этиши учун қулай имкониятлар яратмоқда.

Мазкур ҳолатда «КРАССИ МАХС» масъулияти чекланган жамиятида раҳбар бўлиб ишлаб келган. Қорхона томонидан Сергели тумани ДСИга 2005 йилнинг январь ойи бўйича топширилган молиявий солиқ ҳисоботларида махсуслот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум миқдори 1 миллион 274 миң сўм деб кўрсатилган, аммо банкдаги ҳисоб рақамидан пул айланма маблағлари кўрсаткичи 207 миллион 19 миң сўми ташкил этганини аниқланган. Яъни ДСИга топширилган молиявий солиқ ҳисоботлари билан банкдаги пул айлан-

Шунга интилувчи Ўзбекистон Республикасида ҳам инсонийлик тамойилини ҳаётга табиқ этиш бўйича қатор изчил ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Халқ ҳўжалигининг инфратузилмасини базор иқтисодиёти негизига ўтказиш ва иқтисодиётда эркин рақобат муҳитини яратиш, фермерлик ва тадбиркорлик ижтимоий қатламларини шакллантириш, кичик ва хўсусий бизнесга катта имкониятлар яратиш, давлат ҳўкимияти тармоқларини, айниқса қонун чикарувчи ҳўкимиятни демократиянинг энг олий қадрияти ҳисобланувчи халқ сайлови асосида ташкил этиш, республикада фуқаролик жамиятининг элементлари бўлган маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тузилмаларини ҳамда нотажиорат институтларини жорий қилиш, шу жумладан, И н с о н хўқўқларининг ҳимоясини таъминловчи давлат механизмининг жорий қилиш ишлари шулар жумласидандир.

ҳамда айблов ҳулосасини тасдиқлашда, турли тоифадаги ишларнинг суд босқичларида муҳокамаи жараёнларида нафақат давлат вакили, балки фуқароларнинг ҳимоячиси сифатида иштирок этилиши каби қатор босқичлар шулар жумласига қиради.

Прократура фаолиятининг ҳўқуқни ҳимоя қилиш жиҳатларини кучайтириш усуллари ҳақидаги яққол мисолларни жаҳон амалиётидан келтирса бўлади. Жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида, ҳаттоки, энг ривожланган давлатларда, масалан, АКШ, Францияда прокуратура институтини ислоҳ қилиш, унинг фаолият марказини инсон манфаатларига

қабулхоналарни ташкил этиш амалиётини кенг қўлламоқдалар. Болтиқбўйи, Австрия ва Япония прокуратуралари фуқаролар билан узвий алоқада бўлиш имконини яратувчи «жўшқин» телефонлардан фойдаланмоқдалар. Фуқароларнинг айрим муносабатларини Омбудсман ва прокурорларнинг ташаббуси билан парламентнинг алоҳида мажлисида муҳокама этиш амалиёти Англия, Канада прокуратураларининг кундалик фаолиятида алоҳида ўринга эга.

Ва нихоят, айрим хорижий мамлакатларда, жумладан, АКШда прокурорлар баъзи тоифадаги жиноят ишлари бўйича (асосан, хўсусий айблов ишлари бўйича) ҳимоячи вазифасини бажармоқдалар. Бундан ташқари, АКШ, Австралия, Жанубий Корея каби давлатларда прокурорлар фуқароларга маънавият бериш, ҳаттоки, уларнинг муаммоларини тез-

Ислохотлар оқимида **ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНИ — МУҲИМ ВАЗИФА** Инсонийлик мезони — жамият олдиға қўйилган энг улкан вазифа, яъни ҳуқуқий демократик давлатнинг ва фуқаролик жамиятининг энг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоға қилиш ва ҳимоялаш даражасини реал таъминловчи ҳамда ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир жаҳасида, кундалик фаолиятда яққол намоён этувчи ва шунга садоқатли бўлиб қолувчи давлатга жаҳон демократик ҳамжамиятида тўлақонли аъзо сифатида эътироф этилмоқда.

Инсон ва қонун Эл осойишталигига масъул ички ишлар ходимлари-профилактика инспекторларининг олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини бермоқда. Маҳаллаларда тинчлик-оқойишталик ҳўкм суриб, жиноятчилик, турли ҳўқўбузарликларнинг олди олинмоқда. **СУРАТДА:** Миробод туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласи 120-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Самариддин Зайниддинов ва профилактика инспектори, лейтенант Жавлон Абдуқодировлар паспорт режими бўйича фуқарони қабул қилишмоқда. **Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

Маҳсий фикр

БОЖХОНА ТИЗИМИГА МУСИҚАШУНОС КЕРАКМИ?

Бугун жамиятимизда дунёвий-маърифий тараққийоти юзага келтиришга доир ислохотлар жараёни кетмоқда. Бу жараёнда божхона тизими ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Божхона тизими органлари ўзига ҳос функционал тузилмаша эгаллиги билан ажралиб туради. Шу сабабли бу тизимда турли касб эгалларининг фаолият кўрсатишлари учун эҳтиёж бор. Айтиш лозимки, божхона органларида турли касб эгалари фаолият кўрсатмаса, бу тизим фаолият кўзланган самаранга бериламан. Шу маънода божхона тизими органларида муסיқашунос шахсларнинг ҳам фаолият кўрсатиш бугунги кун эҳтиёжларидан биридир. Савол туғилади: муסיқашунос мутахассисларнинг божхона тизими органларидаги фаолияти қандай бўлади?

Божхона тизими органларида муסיқашунос мутахассислар муайян касб эгаси ва умумий фаолиятдаги киши сифатида фаолият кўрсатадилар. Бунинг учун бир неча ўзига ҳос хўсусиятлар борлиги, уларни алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқ жоиз. Чўнки бундай таснифлаб кўрсатиш соҳада фаолиятнинг талаб даражасида бўлишини таъминлаш ишига маънавиятнинг таъминлаш ишига кўради. Худди шунингдек, бу ўринда ўзга мутахассисликларнинг ҳам божхона тизими органлари фаолиятидаги ўрни нисбатан оидинлашади. Биринчидан божхона тизими органларида муסיқашунос аввало мутахассис сифатида фаолиятда бўлади. Бу борада унинг вазифалари қуйидагилардан ибарат бўлади: — божхона худудида мамлакатга кириб келаётган муסיқа товарларини эксперт қилиш; — бу эксперт чоғида муסיқа товарларининг (қуй еки асбобларнинг) маънавий эҳтиёжларга ва мамлакат қонунларига нечоғий муслиги тўғрисида ҳулоса бериш; — мамлакатдан экспорт қилинаётган муסיқа товарларининг қонийлигини аниқлаш; — муסיқа товарларига доир импорт ва экспорт фаолиятининг


кўшиш. Демак, бу борада муסיқашунос мутахассислар фаолияти ижтимоий хизмат характерида бўлади. Бу билан улар мамлакатнинг маданий салоҳияти ривожига муносиб ҳисса қўшадилар. Маълум бўладики, божхона тизими органларида муסיқашунос мутахассисларнинг фаолиятлари бугунги кун нўқтаи назаридан зарурийдир. Шунингдек, бу касб эгалари фаолиятда мутахассис ва хизматчи сифатида иштирок этишлари билан ўзига ҳосликни келтириб чиқарадилар. Божхона тизими органларида муסיқашунос мутахассислар фаолиятини ташкил қилиш жараёнида объектив ва субъектив омиллар ҳисобга олинади. Чўнки бугунги жараёнда хориждан умумий маданий муסיқа маданиятининг кириб келиши билан биргаликда, ноинсоний гоғларни ташувчи муסיқа товарларини оқимининг хурусу ҳам мавжуддир.

Ўғилот ИМОВОЕВ, Тошкент Давлат Иқтисодий Университети «Халқаро бизнес» факультети талабаси Дилфуза ЖАЛОЛОВА, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси

Маън

иқтисодларида

Мустиқилликнинг илк йилларида ноқий хизмат идоралари фаолиятини ислоҳ этиш, тизимнинг маҳаллий жамоат ташкилотлари билан алоқасини янада мустиқамлашнинг таъсирчан механизми ишлар чикалди. Бу борада бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар кўчға кирди.



ИНТИЗОМ ВА МАСЪУЛИЯТ — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Айниқса, бу борада Сергели-7 мавзесидаги «Гулистон» маҳалласи қошидаги 214-сонли милиция таянч пунктида олиб борилаётган фаолият салмоғи алоҳида эътиборли.

Дунёқараши, феъл-атвори, мақсад-муддаоси бир-бирига ўшмайдиған кишилар билан ишлаш нихоятда масъулият вазифа, — дейди ушбу милиция пунктининг катта профилактика инспектори, капитан Зоҳиджон Кабиржонов. — Бирок шундай бўлса-да, зиммамиздаги бурчни ҳис этган ҳолда иш олиб бормоқдамиз. Мақсадимиз маҳалламиз доимо тинч, оқойишта ҳамда интизомли бўлсин.

Дарҳақиқат, ушбу маҳаллада ушқоқлик билан олиб борилаётган ишлар натижа-сида турли кўринишдаги майда жиноятларнинг олди олинмоқда. Улар таҳлил этилганда биринчи ярим йилликда бор-йўғи 1 та безорилик, 1 та ўғирлик содир этилганлиги қайд этилди.

Президентимизнинг Фармони билан умумий афв тўғайли озошликка чиққан ёки жиноятчиликка мойил шахслар, 12 та оилавий мушарриф ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг фаолият олиб бораётгани бу борадаги ишларнинг янги босқичга кўтарилишига ҳисса қўшмоқда.

Маҳаллада тартиб-интизомни мустиқамлаш ишларида ҳар бир соҳанинг ўз ўрни бор. Айниқса диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг фаолият олиб бораётгани бу борадаги ишларнинг янги босқичга кўтарилишига ҳисса қўшмоқда.

Ҳозирда маҳалла худудини назорат қилувчи 214-сонли милиция таянч пункти билан доимий, изчил равишда ҳамкорликни амалга оширмоқдамиз, — дейди «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Моҳира Ҳатамова. — Яқиндагина ўтказилган тадбиримизда лейтенант Зи-

ёвуддин Норҳўжаев маҳалла хотин-қизларига терроризм ва диний экстремизмининг салбий оқибатлари, бундай хунрезликларга аёлларнинг ҳам жалб этилаётгани жаҳон афкор оммасини ташвишга солаётгани хўсусида гапириб берди.

Умуман олганда, ушбу милиция таянч пунктидаги тартиб-интизом, тинчлик-оқойишталикни сақлаш йўлидаги хайрли ишлар қўлама ҳақида илик фикрларни айтишга ҳақлимиз. Ишонимизки эл-юрт, маҳалла тинчлиги учун жон куйдираётган соҳа ходимлари зиммаларидаги масъулият нечоғлик залворли эканлигини ҳеч қачон унутмайдилар.

Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТДА: 214-сонли милиция пункти катта профилактика инспектори, капитан Зоҳиджон Кабиржонов маҳалла посбонлари билан кейинги режалар ҳақида суҳбатлашмоқда. Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

Ўрабқўюлда вазиятлар бошқармаси фаолиятини

ШУНДАЙ МАРКАЗ БОР

Пайтахти азимда маркаслар бисёр. Уларнинг турфа эзгу-мақсадлар учун очилган ёки ташкил этилгани яхши маълум.

Биз ҳиқоя қилмоқчи бўлган марказ ҳам савобли ва хайрли мақсадлар сари хизмат қиладди. Бу даргоҳ аҳолини Фуқаро муҳофазаси соҳаси бўйича тайёрлаш маркази, деб аталади. Бу ерда асосан масъул шахслар — маҳалла оқсоқоллари, қорхоналарнинг фуқаро муҳофазаси соҳаси бўйича гуруҳ раҳбарлари, коллеж, лицей ҳамда ўрта мактабларнинг шу соҳа бўйича ўқитувчилари ва мутасадди кишилар режага кўра, фавуқулда вазиятларда тўғри ва аниқ ҳаракат қилиш, ўзи яшаб турган маҳалла, қорхона ёки илм ўчоқларида аҳоли хавфсизлигини таъмин этиш, бирор қор-хол рўй берган тақдирда эвакуация қилиш чора-тадбирларини қўллаш борасида қўшмача тайёр-гарликдан сабоқ оладилар. Қўлбуки, вақт, замон шуни тақозо этаётган экан, билмоқ ва ўрганмоқ қони фойда. Айниқса, рўй бериши эҳтимомли бўлган фавуқулда вазиятлардан огоҳ туриш, у юзага келган тақдирда саросимага тўшмасдан тўғри ҳаракат қилиш кўниқ-масига эга бўлиш ҳар бир масъул шахс учун ҳам қарз, ҳам фарз. Чўнки офат кутиб турмайди, кутилмаганда рўй бериши мумкин.

Марказнинг фаолият йўналиши, қамрови кенг. Бу даргоҳда асосан юқумли касалликлар тарқалганда қандай ҳаракат қилиш, зилзила, бурон ёки довул таҳдид солганда ундан сақланиш усуллари, сел ва сув тошқинлари, қор ва тупроқ кўчкилари каби фавуқулда вазиятлар чоғида қандай муҳофазатадбирларини қўллаш чоралари, шунингдек авиация, темир йўл транспорт ва автофалокат ҳодисалари содир бўлганда жабрланганларга шошилинч ёрдам кўрсатиш амаллари тингловчиларга ўргатиб борилади. Бундан ташқари, тингловчилар хлор, аммиак ва симоб каби қучли таъсир этувчи захарли моддаларнинг тўқилиши билан боғлиқ техноген портлаш, ёнғин каби техноген авариялар содир бўлган тақдирда қандай ҳаракат олиб бериш, шундай вазиятларда шахсий муҳофазатини тиббий воситаларидан фойдаланиш усулларини қўллаш, жароҳатланганларга биринчи тез ёрдам кўрсатишга тайёрлаш каби сабоқлар 7 соатлик дастур асосида олиб борилади.

Пойтахтнинг қоқ маркази (Навоий кўчаси, 3-уй.)да жойлашган ушбу даргоҳ тўла таъмир-дон қикарилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Фуқаро муҳофазасига оид дарликлар, қўргазмали қуроллар ва рангли плакатлар билан безатилган катта аудиторияда бир йўла қирқ нафар тингловчи бемалол сикади. Марказ компьютер, телевизор ва алоқа тармоқлари билан таъминланган.

Оддий мисол. Яқинда Жануби-Шарқий Осиёда рўй берган табиий офат — цунами инсоният бошига қанчалик қуфат ёғдиргани дунё халқларини бефарқ қолдиргани йўқ. Бизнинг минтақамизда цунами ҳодисалари юз бермаса-да, республикамиз ер силкинishi, сел ва сув тошқинлари, қор ва ер кўчкилари, шунингдек йирик ишлаб чикариш қорхоналаридagi авариялар каби табиий ва техноген хўсусиятли фавуқулда вазиятлардан холи худуд эмаслигини назарда тутадиган бўлсақ, бу масала янада оидинлашади. Шундай экан, юқорида таъкидлаганимиздек, пойтахтда Фавуқулда вазиятлар бошқармаси ҳузурдаги Аҳолини фуқаро муҳофазаси соҳаси бўйича тайёрлаш марказининг фаолият кўрсатаётгани беҳиз эмас.

Пойтахтнинг қоқ маркази (Навоий кўчаси, 3-уй.)да жойлашган ушбу даргоҳ тўла таъмир-дон қикарилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Фуқаро муҳофазасига оид дарликлар, қўргазмали қуроллар ва рангли плакатлар билан безатилган катта аудиторияда бир йўла қирқ нафар тингловчи бемалол сикади. Марказ компьютер, телевизор ва алоқа тармоқлари билан таъминланган.

Ҳозирда маҳалла худудини назорат қилувчи 214-сонли милиция таянч пункти билан доимий, изчил равишда ҳамкорликни амалга оширмоқдамиз, — дейди «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Моҳира Ҳатамова. — Яқиндагина ўтказилган тадбиримизда лейтенант Зи-

Азамат СУЮНОВ, Хўснийхон ТОЖИБОЕВА



Кураш

ЖАҲОНДА ТОБОРА НУФУЗИ ОШМОҚДА

Ўзбек миллатини кураш спортисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, Ўзбекистон кураги ерга тегмаган Алпомиллар, Пахлавон Маҳмудлар, Қоратой полвон, Аҳмад полвонлар юрти. Муस्ताқиллик эса азалий қадриятларимиз тимсоли бўлмиш курашининг бутун жаҳонга юз тутиши, барча китъаларда ўтказилаётган нуфузли мусобақаларда "ҳалол", "чала", "ёнбош" каби ўзбек атамаларининг янграшига замин яратди.

Айниқса 1998 йил 7 сентябрь санаси миллий курашимиз тарихига зарҳал ҳафлар билан битиб қўйилган. Зеро шу куни Кураш Халқаро Ассоциацияси (КХА) ташкил этилган. Орадан ўтган қисқа муддат — етти йил ичида КХА томонидан миллий спорт туризмизни жаҳон мамлакатларига ёйиш, жаҳон, қитъа чемпионатлари ва бошқа қатор мусобақаларнинг ташкил этилиши, жойларда миллий федерацияларнинг тузилиши борасида кенг миқёсдаги, бамисли асрларга татигулик ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ҳозирда кураш федерациялари жаҳоннинг 85 та мамлакатларида тузилган, катталар ва ёшлар ўртасида муваффақият билан кўплаб жаҳон, қитъа чемпионатлари ўтказилди. Бу КХАнинг самарали фаолияти эвазига қисқа муддат ичида энг нуфузли спорт федерациялари қаторидан ўрин олишига имкон яратди. Кураш эса турли мамлакатларда энг

севимли спорт турларидан бирига айланди.

Шаҳримиздаги "Олимпия шон-шухрати" музейида Кураш Халқаро Ассоциацияси ташкил этилиб, спорт туризмиз жаҳонга юз тутганига етти йил тўлганига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида ҳам ана шундай ютуқлар тилга олинди.

КХА президенти Комилжон Юсупов, КХА бош қотиби Умид Ёқубов, Осиё кураш федерацияси президенти Жағдиш Татлер каби кураш мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтган анжуманда ютуқ ва муваффақиятлар сарҳисоби билан бирга, келгусида ўтказилиши режаланаётган мусобақалар ҳусусида ҳам сўз борди.

—Осиё қитъасида курашининг келажак истиқболлари каттадир, — деди жумладан жаноб Жағдиш Татлер. — Зеро, тарихан ёндошганда ҳам кураш Марказий Осиё

минтақаси, Яқин Шарқ ва Шарқий Осиё мамлакатларида етакчи спорт турларидан бирига айланишига барча омиллар етарли. Эндиликда курашнинг Олимпиада ўйинлари дастурига киритилиши учун янгидан янги имкониятлар очилмоқда.

Энг муҳими шундаки, курашни Халқаро олимпия қўмитасининг президенти Жак Рогге ҳам қизгин қўллаб-қувватламоқда. Зеро, шу йилнинг ёзидан айнан Ж.Роггенинг таклифига асосан Швейцариядаги Олимпия музейида миллий спорт турларига бағишлаб ташкил этилган кўрғазмадан ўзбек кураши тарихи ва бугунги кундаги муваффақиятларига бағишланган экспозициянинг ўрин олганини кўвонч билан таъкидлаб ўтиш жоиз. Бунинг натижасида жаҳондаги юз минглаб кишилар миллий курашимиз билан танишишга муваффақ бўлди.

Тадбирда сўзга чиққан КХА бош қотиби Умид Ёқубов бу йилги ташкил этиладиган мусобақалар тўғрисида тўхталиб ўтди. Чунончи, ҳозиргача Океания, Африка ва Панамерика чемпионатлари ўтказилган бўлса, шу ойдан бошлаб Варшава ва Сан-Хуан шаҳарларида бошқа қитъалар чемпионатлари бўлиб ўтади. Ноябрь ойида эса Дехлида Осиё чемпиони ҳамда Ҳиндистоннинг собиқ Бош вазири Раҳив Ганди хотира турнири ўтказилади. Жорий йил охирида мамлакатимизда бешинчи жаҳон чемпиони мусобақаларини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Шарқ дурдоналари



● Кадр-қимматни, «етти ёт бегонадан» тортиб, инсон зоти борки, ҳаммасини эъзолашми-нис керак. Ишонган боғимиз, суянган тоғимиз — ота-она-миздек азизу ноёб зотларни қайта топиб бўладими?! Атрофимизда юрган ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ, дўсту ёр, қўни-қўшин, ҳамма-ҳамма-миз бир-биримизга ғаниматмиз.

ХИКОЯТ.
Бир кечта кампингнинг якка-ёлғиз ўғли бўлиб, у уйланган хотинининг сўзига кириб она-сига овқат берганда туртар, сўз айтганда жеркар, волида-сига ҳеч рўшнолик кўрсатмас экан. Вақти қазоси етиб, она вафот этибди, ўғли эса эл-юрт ўртасида обрў-этибор топмоқчи бўлиб онаси тобути устида гирён уриб йиғлабди, кейин ҳар маърақасида қозон-қозон ош дамлаб элга едирибди. Бир кун она ўғлининг тушида оқ қафанга ўралиб келиб, йиғлаб нола қилибди: — Эй бошқ, мен учун энди азият чекиб ҳар хил маърақалар қилмай қўя қол, мен жаннатдаман, — дебди, сўнг икки мисра мана шу шеърни айтибди:

Тиригимда айламадинг мени дил шод, Улганимда хоҳ қилгин шод, хоҳ қилма шод.

● Одамзод тирикчилигининг зийнати бир-бирини кадр-қиммат қилиб, меҳр-оқибат кўрсатиши билан безанади. Одатда, яхши одамлар иззатталаб, ҳақталаб, илтимос талаб бўлишмайди. «Мен мана бундай меҳнат қилдим, мен мана бундай иш кўрсатиб қўйганман», деб кўкракка урмайдилар, шон-шавкатларини кўтаришга аюхоннос солиб, мукофот талаб қилишмайди. Яхшилар ҳалол меҳнатлари билан эл-юртга катта фойда келтириб, камтарона ҳаёт кечираверадилар. Ҳеч бир кадр-қиммат, меҳр-оқибат кўрмайдилар. Буни ўзлари билиб, ўзлари эзилдилар. Қазои муаллақ етиб келганда эса: «Ҳаёт шунча экан-да», деб кўзга сўнгги ёшни оладилар бу дунёдан кетадилар. Олижаноб ва покдил бундай одамларнинг аτροφиди юрган баъзи қалфаҳм, нодон, худбин кимсалар уни кўрсатишни хаёлга ҳам келтирмайдилар. Чунки пок одам ҳалол яшаган, худбинларга қўшилиб ҳаром емаган, уларга елпатақлик ҳам қилмаган. Қора юрак кимсалар тўғри ва ҳалол одамни ёқтирмай, ҳатто номини ёмон отликча чиқаришга ҳамла ҳам қиладилар.

«Қилмиш — қидирмиш» деганларидек, қора юрак кимсалар кўп ўтмай ҳаётдан тегушли азоб ва жазони оладилар. Ачинасан, ачинасан, яхши одам кадрини тополмай кетганига ачинасан. Лекин, олтин коса сингани билан баҳоси паст бўлиб қолганидек, яхши одамнинг кадр-қиммати ҳеч қачон йўқолмайди, номи ўчмайди. Дунёда яхшилар бор экан, ёмонлик голиб чиқолмайди.

Эндигина 18 ёшни қоралаган Акбаржон Тошкент вилояти, Қорасув туманидаги 19-ўрта мактабни олтин нишон билан битирганидан сўнг ҳеч иккиланмай ҳужжатларини тўппа-тўғри Ўрта Осиё политехника институти (ҳозирги Тошкент Давлат техника университети)нинг механика факультетига топширади. Ўша пайтда ўрта мактабни олтин нишон билан битирганларга имтиёзлар мавжуд эди, яъни, истаган олий ўқув юртига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинарди. Кўпчилик Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик ёки ўзбек филологияси факультетларини орзу қилиб юрганда Акбаржон ишни қийинидан бошлади. Бизнингча, ўша пайтдаёқ автомобилдан чиқадиган "чўғ" унинг юрагини алангалаган бўлса ажаб эмас. Хуллас, беш йиллик талабалик даври ўтиб, институти тамомалаганидан сўнг у тақсимога кўра тўппа-тўғри Кўқон автомобиль ва йўллар техникумига ўқитувчи сифатида ишга юборилади.



Халқшарҳларимиз

УМР МАЗМУНИ

Ҳар бир инсон ёшлигида улгайганида қайсидир касбини эгаллашни орзу қилади. Албатта, орзуга айб йўқ. Бироқ фақат қатъият, мавжуд муаммоларни енгиши, ишбилармонлик, ўз устида муттасил ишлашга бу борада мақсад сари йўл очиши мумкин. Лавҳамиз қаҳрамони Акбар Дадахўжаевни ҳам шундай қатъиятли кишилар сирасига киритиш мумкин.

томобиль ўқув комбинатлари ва муастақил тўртта автомобил ва йўллар техникуми ташкил этилди.

Шуни қайд этиш лозимки, А.Дадахўжаев ўз фаолияти давомида автотранспорт ўқув юрларининг қон томирларидан бири ҳисобланган уларнинг моддий техникавий негизини яратишга катта эътибор қаратди, чунки замон талаби ҳам шу эди-да. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан ҳамда вилоят шаҳар раҳбарларининг қўллаб-қувватлаши натижасида Нукус, Урганч ва Бухоро техникумларида замон талабларига мос келадиган ўқув бинолари қурилди.

Акбар ака ўз соҳасининг билимдони сифатида мазкур ўқув юрларидаги хоналарни кўрғазмали ўқув қуроллари, техникавий воситалар билан жиҳозлашга катта эътибор қаратди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида автотранспорт қороналарини ҳайдовчилар ва бошқа шу соҳанинг ишчи кадрлари, ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар билан таъминлаш даражаси мунтазам ўсиб борди, нуфузи кўтарилди.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда А.Дадахўжаев бошқараётган ташкилот Республикада биринчилар қаторида давлат тасарруфидан чиқиб, 1996 йилда автомобил ўқув ишлаб-чиқариш комбинатлари акциядорлик жамияти шаклига

ўтди. 2001 йилда эса ушбу комбинатлар ўз хоҳишлари билан "Transkasb" уюшмасини таъсис этдилар. Асосий вазифаси автомобиль ўқув ишлаб-чиқариш комбинатларининг ўқув-услубий ишлари ва ўқув жараёнини яхшилаш, моддий негизини такомиллаштиришда уларга амалий

ёқлаб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Илмий изланишлари натижасида 20 босма табоқ илмий ва 17 босма табоқ ўқув-услубий қўлланмаларни нашр эттирди.

Акбар ака нафақат жонкуяр ташкилотчи, гаумҳўр устоз ва мураббий, қийинчиликлар, ўзгаришлардан қўчимайдиган инсон, балки иноқ ва аҳил оиланинг бошлиғи ҳамдир.

Одатда "Илмда кўшқанотлар бўлади" деган гап юради. Ушбу иборани Акбар Дадахўжаев тимсолида ҳам кўриш мумкин. Чунки унинг раффикиси Турсунбой ая Ислomboева ҳам турмуш ўртоғи билан ҳамқамда ҳолда бир неча йиллар мобайнида Тошкент автомобиль ва йўллар институтида математика фанидан талабаларга дарс бериб, мамлакатимизга малакали автойўлчиларни тайёрлаб беришга ўз ҳиссасини қўшиб келди. Умуман, ушбу оилани автомобилчилар оиласи деб аташ мумкин.

Уларнинг бош фарзандлари Улуғбекжон ҳам ота-она изидан бориб, ҳозирги пайтда "AVTOUSTOZ" Тошкент автомобиль ўқув ишлаб-чиқариш комбинати директори ўринбосари сифатида хизмат қилмоқда.

Кизлари Гулнораҳон пойтахтимиздаги 6-сонли туғруқхонада шифокор, бўлим бошлиғи, кенжа фарзанд Алишержон эса хусусий тадбиркор.

Биз ибратли ҳаёти, сермахсул фаолияти билан халқимиз назарига тушган ўзига хос автомобилчилар мактабиди бир миллиондан ортиқроқ автомобилчиларни тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келадиган, муборак 70 ёшни қаршилаётган Акбар ака Дадахўжаевга мураббийликда заҳматли фаолиятини гизда ҳеч қачон толмаган, дея тилак билдириб қоламиз.

Жасур КУЛМУХАМЕДОВ, Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хўнар коллежи директори, доцент. Шавкат ЁҚУБОВ, коллеж "Маънавият ва маърифат" бўлими масъул ходими

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

КАТТА ҲАЖМЛИ СУВ ЎТКАЗГИЧ ТАРМОҚЛАРИДА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИНГ ОЛИБ БОРИЛИШИ, ШУНИНГДЕК, 2005 ЙИЛ КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН "СУВСОЗ" ТРЕСТИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИГА ИЧИМЛИК СУВ БОСИМИНИНГ ПАСАЙИШИ ВА БЎЛМАСЛИГИ ҲАҚИДА ҚЎЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

12 сентябрь соат 9.00 дан

13 сентябрь соат 9.00 гача

1. Ҳамза, Миробод, Сергели, Бектемир туманларида сув босими пасаяди.

13 сентябрь соат 9.00 дан

14 сентябрь соат 9.00 гача

1. М.Улуғбек тумани Яланғоч мавзеси, Мўминов, Левитан, Володарский кўчаларида ичимлик суви бўлмайди.

14 сентябрь соат 9.00 дан

15 сентябрь соат 9.00 гача

1. Чилонзор тумани: 7,8,9, Ц даҳаларда, Халқлар дўстлиги кўчасида 1,2,3-тор кўча Чарх Камолон, Лутфий маҳалла.

Шайхонтохур тумани: Гулханий мавзеси, Чарх Новза, Гулханий, Есенин, С.Вургун кўчаларида.

Учтепа тумани: Лутфий кўчаларида ичимлик суви бўлмайди.

15 сентябрь соат 21.00 дан

16 сентябрь соат 9.00 гача

1. Ҳамза тумани: 1,2-Қурувчилар мавзеси, 3.Шамсутдинова маҳалласида, Миробод тумани: 1,2,3,4-Кўйлик мавзеларида ичимлик суви бўлмайди.

19 сентябрь соат 9.00 дан

20 сентябрь соат 9.00 гача

1. М.Улуғбек, Ҳамза туманларида сув босими қисман пасаяди.

Миробод туманида сув босими умумий пасаяди.

Сергели тумани — Спутник мавзеси.

2. М.Улуғбек тумани — Циалковский кўчаси ва унга туташган кўчалар, Сергели тумани — Қанора кўчаси, Чортоқ кўчаси ва унга туташган кўчалар.

Ҳамза тумани — Чизельний мавзеси.

21 сентябрь соат 9.00 дан

22 сентябрь соат 9.00 гача

1. Чилонзор тумани: 19,20,20а даҳаларда,

Карвонсарой кўчалари, Пўлатов тор кўчалари, Тинчлик, Юнусов, Мевазор, Ҳайдаробод, Қорақоса, Маданият, Нурафшон, Иттифок, Янгиобод, Чарим-тепа маҳаллаларида ичимлик суви бўлмайди.

22 сентябрь соат 9.00 дан

23 сентябрь соат 9.00 гача

1. С.Раҳимов, Учтепа, Шайхонтохур туманларида сув босими пасаяди.

2. Юнусобод тумани: Абдуллаев ширкат хўжалигида, Иброҳим-ота, Юқори Ҳасанбой маҳаллаларида.

С.Раҳимов тумани: Охунбобоев ширкат хўжалигида ичимлик суви бўлмайди.

26 сентябрь соат 9.00 дан

27 сентябрь соат 9.00 гача

1. М.Улуғбек тумани: Феруза, Яланғоч, ТТЗ-1,2,4 мавзеларида, Пилла, Касаба, Бағратион, Мўминова, Левитан, Валодар кўчаларида ва унга туташ бўлган кўчаларида ичимлик суви бўлмайди.

27 сентябрь соат 9.00 дан

28 сентябрь соат 9.00 гача

1. Сергели тумани: Сергели 5,6,7,8,8а даҳаларда сув босими пасаяди.

2. Сергели тумани: Спутник — 4,7,16, Сергели — 1,2,3,4, Дўстлик 1,2-мавзелари, Ўзгариш ширкат хўжалиги, Насруллаев кўчаларида ичимлик суви бўлмайди.

28 сентябрь соат 9.00 дан

29 сентябрь соат 9.00 гача

1. Учтепа тумани: Ўткир, У.Юсупов, С.Раҳимов маҳаллаларида. Шайхонтохур тумани: Ипакчи маҳалласида сув босими пасаяди. Чилонзор туманида сув босими қисман пасаяди.

2. Учтепа тумани: Ҳидоятлов, Рашидов, Ҳамза, Шарқ-Гули, Ф.Хўжаев, Ю.Саккокий маҳалларида, 12,13,14,21,22, Г-9а, даҳаларида ва С.Юсупова, Х.Турсункулов кўчаларида.

Шайхонтохур тумани: Ген.Узоқов кўчаси, Ипакчи тор кўчаси, Нуробод маҳалласида ичимлик суви бўлмайди.

29 сентябрь соат 9.00 дан

30 сентябрь соат 9.00 гача

1. С.Раҳимов тумани: Олимпия мавзеси, "Чигатой-Оқтепа" маҳалласида сув босими пасаяди.

2. С.Раҳимов тумани: ТошМи, Хўжаева, ЎзМУ-ТошДТУ, Шифокорлар шаҳарчаси мавзеларида, Беруний маҳалласида.

Юнусобод тумани: Мингўрик, Отчопар-1,2 маҳаллаларида, Тюмень кўчасида ичимлик суви бўлмайди.

3 октябрь соат 9.00 дан

4 октябрь соат 9.00 гача

1. М.Улуғбек тумани — Ҳумоюн, Югнакий, ТТЗ-2 мавзелари, Геофизика посёлкаси, Устабоев, Буюк Ипак йўли кўчалари, Бешкалла маҳаллаларида ичимлик суви бўлмайди.

4 октябрь соат 9.00 дан

5 октябрь соат 9.00 гача

1. Юнусобод тумани: Мингўрик, Фирдавсий, Низомий, Г.Мавлонов, Ниёзбек, Каблук кўчалари ва уларга туташган кўчаларда КХАЙ Г.Мавлонов кўчасидан Пол.Хўжаев кўчасигача сув бўлмайди.

5 октябрь соат 9.00 дан

6 октябрь соат 9.00 гача

1. Сергели тумани — Янги Сергели, Саади кўчаларида сув босими пасаяди.

2. Миробод тумани — Фитрат кўчаси тор кўчалари билан Сарикўл, Фидойилар, Янги-замон, Банакотий, Мирсолихов кўчалари ва уларга туташган кўчаларда.

Сергели тумани — Чоштепа кўчасида сув бўлмайди.

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи автомашиналар юборилади.

Телефон: 133-15-95, 133-75-95, 152-60-08.

"ТОШИССИҚЛИКМАРКАЗИ" ОАЖ, "ТОШИЭМ" ОАЖ ВА "ТОШИССИҚҚУВВАТИ" ИЧБГА ҚАРАШЛИ МАРКАЗИЙ ИССИҚЛИК МАНБАЛАРИНИ 2005-2006 ЙИЛГИ ИСТИТИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРДА ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚЎЙИДАГИ ИССИҚЛИК МАРКАЗЛАРИНИ ТЎЛИҚ РЕЖАЛИ ТЎХТАТИШ РЕЖАЛАШТИРИМОҚДА:

1-ИМ "Шимолий-Шарк" — 26 сентябрдан 30 сентябрга қадар: Академик Ҳ. Абдуллаев, Ж. Обидова, Раҳматуллин, Ф.Хўжаев, Мўминов, Муҳитдинов, Буюк Ипак йўли, Сайрам, Эргашев, Оққўрғон, Пушкин, Догистон кўчалари, Пушкин-Пишпек, Тошсельмас, Пушкин-Салор, Чизел, Ген.Петров, Яланғоч, 1-Бўз (Черданцев-1) мавзелари, ТошГРЭС кўрғони.

2-ИМ "Корасув" — 19 сентябрдан 23 сентябрга қадар: Хумоюн, Корасув-1,2,3,4,6, Бўз-2 (Черданцев-2), Феруза мавзелари худуди, Геофизиклар кўрғони, Кодиров, Т. Малик, А.Матқобулов, Акад. Ҳ. Абдуллаев, Иркутск, Ш.Бурхонов кўчалари.

3-ИМ "Ғарбий" — 19 сентябрдан 23 сентябрга қадар: Чорсу, Беруний, Бешёғоч, Олмазор, Коратош, Б-1,2,3, М-10,11,14, М-26,27,28 мавзелари худуди, Навоий, Халқлар дўстлиги, Абай шоҳкўчалари, А.Хўжаев, Ўзбекистон, Беруний, Ген.Узоқов, Ниёзов, Фуркат, Самарқанд-Дарвоза кўчалари.

4-ИМ "Шимолий" — 12 сентябрдан 16 сентябрга қадар: Юнусобод даҳасининг 1-19 мавзелари худуди, А.Темур, Каймаков, А.Дониш, Муродов, Юнусобод, Соҳибкор кўчалари, М-5, М-6, М-12,13,15, М-17,18 (Себзор) мавзелари, Тахтапул, Қорақамиш 1/1,1/2,1/3,1/4 мавзелари, Абай, А.Кодирий шоҳкўчалари, Бобохонов, Абдурахмонов, Хуршид, Шамсутдинов, А.Хидоятлов, Хасанов, А.Темур, Ф.Фулом, Кичик Халқа йўли, (Х.Асомов), Бодомзор, Шахристон, Ҳ.Олимжон, Пушкин, Ж.Обидова, Ф.Мавлонов, Эргашев, А.Зокиров кўчалари, Ҳ.Олимжон майдони, Шифокорлар шаҳарчаси, Чимбой, Жарарик, Олимпия, Талабалар шаҳарчаси, Тансиқбоев-1,2,3, Қорақамиш-2/2,2/3,2/4,2/5, Белтепа, Ибн Сино-1,2, ЎзМУ-ТошДТИ мавзелари худуди, Мирза Фолиб, Мухбир, Чимбой, Форобий, Беруний кўчалари.

5-ИМ "Чилонзор" — 26 сентябрдан 2 октябрга қадар: Чилонзор даҳасининг 5дан 12гача, Ц, Г9А, 16дан 20гача,

20А, 26-мавзелари худуди, Оқтепа, Думбробод, Гулистон, Қизил шарк мавзеси, Роҳат, С.Мираҳмедов, Наққошлик, Новза Қозиробод, Катортол, Фарход, Чўпонота, Муқимий, Заргарлик, Я.Купала, Катортол кўчалари. Чилонзор даҳасининг 13дан15гача,21дан 24,30,31гача бўлган мавзелари худуди, Қизил шарк, Гулистон, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч мавзелари, Х.Турсункулов, Раҳимбобоев, Ширин (Подмосковная), Лутфий кўчалари.

6-ИМ "Жанубий-Ғарб" — 12 сентябрдан 16 сентябрга қадар: Кўйлик — 1-7 мавзелари худуди, Кўйлик-Халқа йўл мавзеси, Мунис, Янгизамон, Х.Олимбеков, Бехтеров, А.Фитрат кўчалари.

7-ИМ "Авиакорувчилар" — 19 сентябрдан 25 сентябрга қадар: "Авиакорувчилар" шаҳарчаси, Гўзал-1,2,3,4, УҚК-1 (ДСК-1), Слоним-1,2 мавзелари худуди, Слоним, Лисунов, Бирлашган, Шолохов, Элбек кўчалари.

8-ИМ "Сирғали" — 3 октябрдан 7 октябрга қадар:

Сергели-1-8А, Йўлдош (Спутник)-8,15,16,17, Дўстлик-1,2 мавзелари худуди.

ТЭМ — 3 октябрдан 7 октябрга қадар:

Ш.Рашидов шоҳкўчаси, Ц-7, Муқимий, Арнасой, Ш.Исломов, Аския, С.Мираҳмедов, Бобур, У.Носир, Афросиёб кўчалари худуди, Чилонзор-1,2,3,4,5,Е,И мавзелари, Бошлик, Кушбеги, Авиашарча мавзелари, Нукус, Глинка, Т.Шевченко, А.Тўқай, А.Темур, Я.Фуломов, Локомотив, Мовароуннахр, Х.Умаров, Шахрисабз кўчалари, Ц-1,2,4,5.

"Водник" қозонхонаси — 26 сентябрдан 30 сентябрга қадар: "Водник" мавзеси, Х.Бойқаро кўчаси худуди.

"ТТЗ" қозонхонаси — 12 сентябрдан 16 сентябрга қадар: "ТТЗ"-1,2,2А,4, Югнакий мавзелари худуди, Буюк Ипак йўли, Белоножко, Гулсанам, Аҳиллик кўчалари.

Тўхтатиш даврида иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

Футбол

УЧРАШУВ ҚАЙТА ҮТКАЗИЛАДИ

Жаҳон чемпионатиغا саралаш ўйинлари жуда кескин ва муросасиз ўтиб, ҳатто битта хато ҳам терма жамоа аҳволини мураккаблаштириб қўйиши, битта гол ҳам жуда салмоқли ўрин тутиши мумкин.

Биз газетамиз саҳифаларида плей-офф босқичининг Ўзбекистон-Бахрайн ўйинини шарҳлар эканмиз, ҳақамнинг кўпол хатоси туйғайли футболчиларимиз жуда муҳим тўпни кирита олмаганликларини алоҳида таъкидлаб ўтган эдик. Яъни япониялик ҳақам Тошимидзу Йошидо С.Жепаров урган пенальтини тўп тепилаётганда жарима майдонига футболчиларимиз кириб борганликлари сабабли ҳисобламасдан, 11 метрлик зарбани қайта белгилаш ўрнига тўпни меҳмонлар ўйинга киритишини кўрсатганди. Ушбу киритилмаган тўп эса учрашув тақдирига катта таъсир кўрсатди.

Албатта, ўйиндан сўнг Ўзбекистон Футбол федерацияси раҳбарияти ФИФА ва Осиё футбол конфедерациясига раддия билдирди. Унда Бахрайн терма жамоасига 3:0 ҳисобида мағлубият белгилаб, жавоб учрашувини европалик ҳақамлар бошқариши сўралганди.

Ўтган кун Осиё футбол конфедерацияси ФИФАнинг жаҳон чемпионатини ўтказиш ташкилий кўмитаси томонидан Тошкентдаги бўлиб ўтган учрашув натижаси бекор қилинганлигини расман эълон қилди ва ушбу ўйин қайтадан ўтказилишини билдирди.

Шу тарихи ФИФА томонидан Бахрайн терма жамоаси билан ўтказилмаган ҳар иккала учрашувнинг янги мuddатлари белгиланди. Чунинчи, биринчи ўйин 8 октябрда мамлакатимизда ўтказилади бўлса, жавоб беллашув 12 октябрда Бахрайнда бўлиб ўтади.

Хулоса сифатида шунга айтиш мумкинки, балки терма жамоамиз учун номақбул бўлган бундай қарорни ўзгартириш юзасидан футболимиз мутасаддиларининг саъй-ҳаракатлари самара бериб, бу борада ўзгартириш бўлиши ҳам мумкин.


(Ўз мухбиримиз)



Осиё чемпионати — 2005

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАЛАРИ

«Тошкент теннис маркази»да Осиё чемпионати мусобақалари давом этмоқда. КЕЧА турнирнинг асосий жадвалидан ўрин олган спортчилар ўртасида бўлиб ўтган 23 та ўйин натижалари буйича белашта баҳсда ўзбекистонлик спортчилар устун келди.



Ақсарият теннисчилар иккинчи давра ўйинларини давом эттирган бўлса, ҳамюртимиз Окгул Омонмуродова чемпионатда дастлабки беллашувини ўтказди. Турнирда тўртинчи бўлиб сараланган бу спортчимиз биринчи даврдан рақибсиз ўтиб, кейинги босқичда ҳиндистонлик Анкита Бхамбри билан баҳс юритди. Рақиб ёш бўлишига қарамастан, ҳар бир очко учун анча торттишиб ўйнади. Анкитанинг биринчи сетда омади келмаган бўлсада, кейинги сет унинг ҳисобига ҳал бўлишига бир неча сониялар қолганида, Окгул вазиятни кўлга олишга муваффақ бўлди. У рақибини кетма-кет, кескин зарбалар билан шошириб қўйиб, охири мағлуб этди.

Ўйиндан сўнг Окгулни суҳбатга тортдик. — Олдиндан башорат қилишни ёмон кўраман, спортда ҳар бир дақиқа, сония ҳал қилувчи бўлиши мумкин, ҳозиргина ўзингиз ҳам бунинг гувоҳи бўлдингиз, — деди спортчи кизимиз галдаги беллашувни ҳақида сўраганимизга жавобан. — Корейлик спортчи Чанна билан ўйнамаганман, фақат ўсимрлар ўртасидаги ўйинлари ҳусусида бироз эшитганман. Бу турнирда у еттинчи бўлиб саралангани анча имкониятлари борлигидан далолат беради.

Ўзимга келсак, очигини айтганда, мен учун ўз оғиримда ўйнаш ҳар доим қийин кеначи. Билмадим, нима учун, балки масъулиятни шунчалик хис этганимданми...

— **Демак, Ўзбекистондан ташқари турнирларда бундан-да яхши кўрсаткичларга эришадиган экансизда?**

— Унчалик эмас. Аслида бу ерда бор имкониятларимни кўрсата олмаганман демоқчи эдим. Бунга тушунтириш қийин... Лекин бу йил мен учун бироз омадлик келди десам бўлади. Аёллар теннис уюшмаси — WTA туркумидаги иккита турнирда қатнашдим. Франциядаги мусобақаларда яққалиқда чорак финалга, жуфтликда — фи-

налга чиқдим. Таиландда бўлиб ўтган 25 — минглик турнирда ярим финалда иштирок этдим, жуфтлик мусобақаларида эса голибликни кўлга киритдим. Яқинда Португалияда ўтказилган мусобақаларда ҳам ярим финалгача етиб келдим. Шунингдек, илк маротаба ҳозирда давом этаётган «Катта дубулга» туркумидаги «US open» - Америка очик чемпионатида иштирок этишга муваффақ бўлдим. Аслида бу турнирни режалаштирмагандим. Тўсатдан шундай тақдир тушганди, тайёргарлик бўлмасам ҳам, боришга қарор қилдим.

«Квалифайн»нинг биринчи даврасиданок венгриялик ўйинчиға 4/6, 2/6 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйдим. Лекин асло ачинмайман. Бу турнирда ўзим учун кўп янгиликлар кашф этдим, дунёқарашим бироз ўзгарди десам ҳам бўлади. Кўрган, ўрганганларим, албатта, маҳоратимни оширишга ёрдам беради.

— **Мураббийингиз қандай қаради бунга?**

— Афсуски, мураббийим ҳали ҳам йўқ. Балки, бунинг сабабчиси ўзимдирман. Гап шундаки, мени атрофдагилар, хусусан, мураббийим тушунишини истардим. Озим-қўлми, профессионал даражада уч йилдан бери қатнашиб келаяпман... Яъни бир сўз билан айтганда, мураббий билан тил топишиб ишлашни хоҳлайман. Лекин бунга ҳамма ҳам кўнавермайди-да...

— **Айни пайтда Ўзбекистон жамоасига етакчилик қилаётганингни сизни мағрурлантириб қўймадими?**

— Бу ҳақда ўйлаётганим ҳам йўқ. Чунки бу вазиятнинг тақозоси. Жамоада биринчи ўринда турганим билан рейтингим хаттоки юзликда ҳам эмас-ку. Ирода дунёнинг 16-ракеткаси бўлган ва бизда биринчи бўлиб қолгаверади. Ҳамма нарсага ҳолисона қараш керак.

— **Эндиликда Осиё теннис федерацияси директорлар кенгаши қарори билан Осиё рейтингини киритилганига нима дейсиз?**

— Агарда тизим яратилиб, амалга оширилса ва бу ўзига яраша натижалар берса, албатта қўллаб-қувватланади. Ҳозирча эса расмий ра-

вишда фақат WTA очколари ҳисобга қиради.

— **Шу йилнинг октябр ойида бўлиб ўтадиган «Тошкент open» турнирида иштирок этиш ниятингиз борми?**

— Албатта. Теннис — бу менинг борлигим ва ушбу спорт турида яхши натижаларга эришиш — мақсадим. Демак, ҳар бир имкониятдан фойдаланиб қолшим зарур.

... Юртдошларимиз умид болаган яна бир спортчимиз — Ирода Тулаганова иккинчи босқични ҳам аъло тарзда босиб ўтди. Бугун чорак финалда Ирода киргизистонлик Ксения Палкина билан учрашади. Эслатиб ўтамиз, Ксения биринчи даврада қозғистонлик спортчини мағлуб этганди. Кечаги беллашувда эса Палкинанинг турнирнинг биринчи ракеткаси ҳиндистонлик Шиква Ўбероддан устун келгани кўпчиликни ҳайратта солди. Маълум бўлишича, Ксения Палкина 2004 йилда Киргизистон Президенти Кубоги мусобақасининг голиби бўлган. Демак, WTA таснифидан 964-поғонада турган бу теннисчининг ҳамюртимиз Ирода билан тенга-тенг беллашшга тайёр деса ҳам бўлади.

Афсуски, Ивана Исроилованинг иккинчи босқичда омади келмади. Дастлаб япониялик кучли теннисчидан устун келган Иванна тайпейлик Су-Ви Хьсенга қарши курашда имкониятни бой берган бўлса ҳам, аммо икки сетда тўрттадан очко тўплаган ҳолда чиройли ўйин кўрсатди.

Эркаклар ўртасида чорак финалға фақат Денис Истомин чиқа олди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, Денисининг имкониятлари анча юқори. Лекин кечаги бахслар-

ни бироз таҳлил қиладиган бўлсак, қувайтлик Моҳаммад Ал-Ғариб (бу спортчининг рейтингини 519) ҳам ярим финалга давъogar бўлиб турибди. Ғариб саккизинчи бўлиб сараланган корейлик Куйт-Тай



Имин уч сет давомида роса «терлатиб», охири уни мағлуб этди. Бугун эса қувайтлик теннисчи ҳамюртимиз Истоминга қарши қорғта тушади. Эртага жуфтлик ўйинларга яқун асалади. Ҳозиргача бу мусобақаларда фақат эркаклар ўртасидаги ўйинчиларимиз - Огородов ва Узоқов ҳамда Иноятов ва Истоминларга умид қилишимиз мумкин.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.
СУРАТЛАРДА: Осиё чемпионатининг баҳсларидан лавҳа; Окгул Омонмуродова, Алишер Рискиев (ЎЗА) ва Ҳакимжон Солихов олган суратлар.

Мунажжим башорати

ЯХШИЛАРГА ЯҚИН БЎЛИНГ

9 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

Мунажжимларимиз бугун раҳбар билан, таниқли ва абабурў кишилар билан мулоқотда бўлишни маслаҳат беришадди. Уларнинг фикрича, бу ҳар жиҳатдан сиз учун фойдали бўларкан. Агар бугун кунинг энг кўп вақти мобайнида (соат 11.32 дан 23.00гача) Ой сайёраси йўналиши сиз ҳолатда бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу фикрга қўшилишимизга тўғри келади. Чунки Ойнинг бундай ҳолати давомида ҳеч қандай янги ишга кўл уриш, ўз истақларинингизни зудлик билан рўёбга чиқишини, боз устига уларни зўравонлик билан амалга оширишни талаб қилишингиз мутлақо мумкин эмас.

Ой сайёрасининг Чаён буржида бўлиши эса, одамлар бугун ҳар қачонгидан кўра танқидий кайфиятда бўлиб, одатдагидан анча тез «муштарини ишга солишлари» эҳтимол кўпроқ бўлишидан дарак беради. Яна бир жиҳатни ҳисобга олишимиз керак бўлади: Кўёш тақвими буйича 23-кун — яъни бугун харидлар қилиш ман этилади. Зеро, бугун сотиб олинган буюмлар бошқа кунлардагига қараганда анча тез эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қоларкан.

Мунажжим С. Илҳомов бугун жисмоний тайёргарлик билан шуғулланиш, зинҳор бекор ўтирмасликка давъат этади. Таваққал қилиш, чалқашиб кетган ишларнинг ечимини топиш, лекин бунда ортиқча эҳтиросларга йўл қўймамаслик, қонун доирасида ҳаракат қилиш керак бўлади. Ана шунда, дейди мунажжим, ғалабалар сизга ёр бўлади.

бу, бутун ҳаётингизни ўзгартириб юборадиган бахтли воқеа рўй беради.

Бугунги кун ҳуқуқшунослар билан мулоқотлар, никоҳ тўйлари, унаштиришлар, уруғ сепиш, шаҳар ташқарисига саёҳатлар, маблағларни тикиш учун хайриги бўлади. Бугун қимматбаҳо тошларни сотиб олиб, уларни пардозлатиб, заргарлик буюмлари тайёрлатиш ҳам омаддидир.

Маъдандан ишланган ўткир буюмни топиб олиш яхшилик аломати бўлади. Мабоодо, пичоқ топиб олсангиз — бу истақларингиз рўёбга чиқишига ишорадир.

Бу кеча кўрадиган тушларингиз жушқин бўлса — нур устига аъло нур. Аммо тушда суви ёҳуд кўзгудан ўз аксингизни кўришингиз кўнглисизликлардан огоҳлантиришдир.

Саломатлик учун бугун соат 15 дан эртанги кун соат 17 гача товуқ гўшти ва тухум тановул қилиш фой-

дали бўлади.

Кийим-кечаклардан қизил ва юлғун рангли либослар омадлик бўлади. Яшил ва бағча «заҳар» тусли кийимлар бугунга тўғри келмайди.

БУГУН:

- бошлаб қўйган ишларингизни давом эттириш;
- ўзингизга ёқмаган нарсаларни алмаштириш, ортиқчаларидан халос бўлиш;
- ташаббус ва ғайрат-шижоатингизни намойиш этиш;
- чаққон ва дадил ҳаракат қилиш;
- бевосита бошлигингиз ва бошқа раҳбарларингиз билан учрашиш;
- қийин вазиятларда ёрдам сўраб ҳамкасб урқоларингизга муурожаат этиш тавсия қилинади.
- Тушқулик кайфиятига берилиш, ортиқча мулозаметлардан, ўзингизнинг ёқумтоблигингизга ортиқча бино қўйишдан тийилишингиз маъқул.



Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар — 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нускада босилади. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари буйича турар жойларга почта буюмларига ёки «Тошкент» почтаамтига — 133-74-05 телефонига муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиб ва саҳифаланади.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.